XALQ DEPUTATLARI ZOMIN TUMANI KENGASHI QARORI

2021 - yil 31 - dekabr VI-31-79-3-48-K/21 Zomin tumani hokimligi

Зомин туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Жиззах вилояти Молия бош бошқармасининг 2021 йил 30 декабрдаги 01-20-08-01-39/79-сонли хатини инобатга олиб, 2022 йил учун Зомин тумани маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Зомин тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни рахбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сон Қонунига мувофиқ 2022 йилги туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ўтказиб бериладиган даромадлар билан биргаликда 103 272 490 минг сўм, Зомин туман маҳаллий бюджетига вилоят маҳаллий бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 89 949 554 минг сўм миқдорида тасдиқланганлиги ва маҳаллий бюджет харажатларининг чекланган миқдори эса 193 222 044 минг сўм миқдорида белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3.Қарорга асосан 2022 йилда:

а) Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи, алкоголь ва тамаки

махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

б) Қуйидаги солиқ турлари туман маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- **жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;**
- **жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган солиқ;**
- **якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;**
- **давлат мулки бўйича ижара тўловлари;**
- **сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;**

в) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар туман бюджети ва вилоят бюджетига қуйидаги улушларда тақсимланади:

Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ туридан тушумларнинг 100 фоизи вилоят бюджетига;

Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализацияси қилишдаги акциз солиғидан тушумларнинг 100 фоизи туман бюджетига;

Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) 80 фоизи туман бюджетига, 20 фоизи вилоят бюджетига;

Юридик шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг 100 фоизи вилоят бюджетига;

Юридик шахсларнинг ер ва мол-мулкига солинадиган солиқ тушумларининг 100 фоизи туман бюджетига;

Қонунчиликда белгиланган корхоналар айланмасидан солиқлар, давлат божлари, жарималар, йиғимлар, Давлат унитар корхоналари соф фойдасидан ажратмалар ва хусусийлаштиришдан тушум ва бошқа тушумлар 100 фоиз вилоят бюджетига.

4.2022 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадларининг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

Жиззах вилояти Зомин тумани маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари (туман бюджетида қоладиган қисми) 1а-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5.Туман маҳаллий бюджетидан 2022 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6.Умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетга ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7.Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажмлари ҳамда вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ўтказиладиган тартибга солувчи трансферт миқдори 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8.Захира жамғармалари маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган харажатларининг камида 1 фоизи миқдорида шакллантирилиши белгиланганлигидан келиб чиқиб, 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 1 822 849.0 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласин.

9.2022 йил учун туман бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар ўтган йилга нисбатан ўзгаришсиз белгиланганлиги 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

10.Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 6-иловага ҳамда жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунга кўра, туман давлат солиқ инспекцияси (Ғ.Ачилов) тасдиқланган коэффицентлар ва солиқ ставкаларига мувофиқ 2022 йил учун жисмоний ва юридик шахсларга ер солиғини ҳисоблаш вазифаси юклатилсин.

11.Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалар тегишинча туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги таклифлари асосида, Кенгашлар қарорларига асосан фойдаланилиши белгилансин. Бунда, шаклланадиган қўшимча манбалардан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш назарда тутилсин.

12.Туман маҳаллий бюджети даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилаётган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан вилоят ҳокимлигига мурожаат қилиши қонун билан белгиланганлиги инобатга олинсин.

13.Туман ҳокимлиги ташаббуси билан қўшимча амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

14.Туман ҳокимлиги ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларини етарли даражада режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини таъминлаш;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинадиган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларини молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар ҳокимликлар томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш;

маҳаллий бюджет харажатларининг 5 фоизи ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадларини 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

15.Туман ҳокимлиги тегишли равишда бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини туман Кенгашига

киритиб борилишини таъминласин.

16.Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун Кенгашга ахборот киритсин.

17.Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Абдуганиев**

Халқ депутатлари Зомин туман
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-31-79-3-48-K/21-сон қарорига
1-илова

Жиззах вилояти Зомин тумани маҳаллий бюджетининг даромадларининг
2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами даромадлар (Контенгент)	Шу жумладан тақсимланиши		
			Туман бюджетига	Вилоят бюджетига	Республика бюджетига (ҚҚС)
ЖАМИ		**143 443 000,0**	**76 042 000,0**	**34 256 000,0**	**33 145 000,0**

Жиззах вилояти Зомин тумани маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари (туман бюджетида қоладиган қисми)

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
1	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	40 008 000
2	Акциз солиғи, жами	4 100 000
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*4 100 000*
3	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 789 000
4	Юридик шахслар ер солиғи	5 978 000
5	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 949 000
6	Якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий солиқ	1 250 000
7	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	13 698 000
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 050 000
9	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	220 000
	Жами даромадлар	**76 042 000**
	Тақсимланувчи даромадлар	***27 230 490***
10	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	10 306 120
11	Мобил алоқага акциз солиғи	5 871 430
12	Тамаки махсулотларига акциз солиғи	11 052 940
	Ҳаммаси	**103 272 490**

Халқ депутатлари Зомин туман
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-31-79-3-48-K/21-сон қарорига
2-илова

2022 йил учун Зомин тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари

минг.сўм

№	Кўрсаткичлар	2022 йил
Зомин туман бўйича харажатлари миқдори, Жами		**193 222 044,0**
1	Туман Мактабгача таълим бўлими	12 443 231,0
2	Туман халқ таълими бўлими ва мусика мактаблар	11 439 172,0
3	Туман Соғлиқни сақлаш муассасалари	60 851 144,0
4	Тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар	67 068,0
5	Туман Маданият бўлимлари	1 523 589,0
6	Туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	2 728 566,0
7	Ижтимоий нафақалар ва компенсация тўловлари	61 676 910,0
8	Ижтимоий кўникма маркази	43 158,0
9	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия маркази	1 647 373,0
10	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	10 598 321,0
11	Туман Ободонлаштириш бошқармаси дренаж бўлими	310 043,0
12	Ички йўлларни таъмирлаш харажатлари	2 500 000,0
13	Туман ирригация бўлими	919 491,0
14	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ташкилотлари	1 294 650,0
15	Давлат бошқарув органларини сақлаш	9 171 867,0
16	Фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларини сақлаш	3 859 093,0
17	Захира жамғармаси	1 822 849,0
18	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	9 114 247,0
19	Туман маҳаллий бюджетида ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	1 211 272,0

2022 йил учун умумдавлат солиқларидан Зомин туман маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шаҳар ва туманлар номи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (катий белгиланган солиқ)	Жисмоний шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Норуда қурилиш материалларини учун ер қазрдан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўлови	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёкилғиси ва газ реализацияси дан солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурслари-дан фойдалан-ганлик учун солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Давлат божи	Йиғимлар	Жарималар	Давлат унитар корхоналари соф фойдасидан ажратмалар	Ҳусусийлаш-тиришдан тушум	Бошқалар
1	Зомин тумани	80	0	0	100	100	100	0	100	100	100	100	100	0	0	0	0	0	0

Зомин туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Маҳаллий бюджет солик тушумлари	Утказиб берилувчи даромадлар	Юкори бюджетдан ажратилувчи тартибга солувчи трансферт миқдори	Харажат	Фарки
Зомин тумани	76 042 000,0	27 230 490,0	89 949 554,0	193 222 044,0	0,0

2022 йил учун Зомин туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
1	Зомин тумани	**669 000,0**

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,7 дан 3 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (минг.сўмда)
1	Бирлик МФЙ	1,00	34,8
2	Ғ.Ғулом МФЙ	1,00	34,8
3	Боғишамол МФЙ	1,00	34,8
4	Қўрғон МФЙ	1,00	34,8
5	Ш.Рашидов МФЙ	1,00	34,8
6	Навбахор МФЙ	1,00	34,8
7	Каттабоғ МФЙ	1,00	34,8
8	Тараққиёт МФЙ	1,00	34,8
9	Халқабод МФЙ	1,00	34,8
10	Оқтепа МФЙ	1,00	34,8
11	Ғаллакор ҚФЙ	0,90	31,3
12	Мустақиллик МФЙ	0,90	31,3
13	Ширин ҚФЙ	0,90	31,3
14	Тўрттом ҚФЙ	0,90	31,3
15	Навоий ҚФЙ	0,90	31,3
16	Қўштол ҚФЙ	0,90	31,3
17	Пшағор МФЙ	0,90	31,3
18	Ёшлик МФЙ	0,90	31,3
19	Юксалиш (Аччи) МФЙ	0,90	31,3
20	Бешкуби ҚФЙ	0,85	29,6
21	Гулшан ҚФЙ	0,85	29,6

22	Нурликент ҚФЙ	0,85	29,6
23	Оби ҳаёт ҚФЙ	0,90	31,3
24	Чорвадор ҚФЙ	0,90	31,3
25	Истиқлол ҚФЙ	0,90	31,3
26	Туркман МФЙ	0,90	31,3
27	Дуоба ҚФЙ	0,90	31,3
28	Улуғбек МФЙ	1,00	34,8
29	Пахтакор МФЙ	1,00	34,8
30	Беруний МФЙ	1,00	34,8
31	Нурафшон МФЙ	1,00	34,8
32	Х.Олимжон МФЙ	1,00	34,8
33	Бахт МФЙ	1,00	34,8
34	Ўзбекистон МФЙ	1,00	34,8
35	Бунёдкор МФЙ	1,00	34,8
36	Чилонзор МФЙ	0,85	29,6
37	Гулистон МФЙ	0,85	29,6

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (сўмда)
1	Бирлик МФЙ	220,0	242,0
2	Ғ.Ғулом МФЙ	220,0	242,0
3	Боғишамол МФЙ	220,0	242,0
4	Қўрғон МФЙ	220,0	242,0
5	Ш.Рашидов МФЙ	220,0	242,0
6	Навбахор МФЙ	220,0	242,0
7	Каттабоғ МФЙ	220,0	242,0
8	Тараққиёт МФЙ	220,0	242,0
9	Халқабод МФЙ	220,0	242,0
10	Оқтепа МФЙ	220,0	242,0
11	Ғаллакор ҚФЙ	220,0	154,0
12	Мустақиллик МФЙ	220,0	154,0
13	Ширин ҚФЙ	220,0	154,0
14	Тўрттом ҚФЙ	220,0	154,0
15	Навоий ҚФЙ	220,0	154,0
16	Қўштол ҚФЙ	220,0	154,0

17	Пшағор МФЙ	220,0	154,0
18	Ёшлик МФЙ	220,0	154,0
19	Юксалиш (Аччи) МФ	220,0	154,0
20	Бешкуби ҚФЙ	220,0	154,0
21	Гулшан ҚФЙ	220,0	154,0
22	Нурликент ҚФЙ	220,0	154,0
23	Оби ҳаёт ҚФЙ	220,0	154,0
24	Чорвадор ҚФЙ	220,0	154,0
25	Истиқлол ҚФЙ	220,0	154,0
26	Туркман МФЙ	220,0	154,0
27	Дуоба ҚФЙ	220,0	154,0
28	Улуғбек МФЙ	220,0	242,0
29	Пахтакор МФЙ	220,0	242,0
30	Беруний МФЙ	220,0	242,0
31	Нурафшон МФЙ	220,0	242,0
32	Х.Олимжон МФЙ	220,0	242,0
33	Бахт МФЙ	220,0	242,0
34	Ўзбекистон МФЙ	220,0	242,0
35	Бунёдкор МФЙ	220,0	242,0
36	Чилонзор МФЙ	220,0	154,0
37	Гулистон МФЙ	220,0	154,0